

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 102 (10.911)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-расида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида жисмоний ривожланишида нуқсон бўлган, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга мансуб болаларни аниқлаш, уларни ижтимоий ҳимояси, бандлигини таъминлашга оид масалалар муҳокама қилинди.

●Кеча Самарқандда кўхна шаҳарнинг 2750 йиллигига бағишлаб фольклор-этнографик жамоаларнинг «Навқирон Самарқандга таъзим» деб номланган анъанавий республика кўрик-фестивали иш бошлади. Мазкур фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ғалиб деб топилган фольклор-этнографик жамоалар ўзаро беллашди.

●Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бажариш асосида шу йилнинг биринчи чорагида Сурхондарё вилоятида қасаначилар сафини кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни чорвачиликни ривожлантириш ҳисобига 3961 нафар хотин-қиз ишли бўлди.

●Тошкентда БМТ Тараққиёт дастури томонидан аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторларнинг масъулиятини янада оширишга бағишлаб ўтказилган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Молия, Адлия вазирликларининг масъул ходимлари, тадбиркорлар, аудиторлар, бухгалтерлар ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

●«Устюртгаз» унитар шўба корхонасида ишловчи 8 оила меъморчиликнинг сўнгги андозлари асосида қурилган кўйга кўчиб ўтди. Бундан ташқари, газчилар фарзандлари учун Учсой шаҳарчасида замонавий болалар боғчаси ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди.

●Чирокчилик Дилрабо Сайдуллаева лапар ва ўлан ижрочиларининг республика фестивалида «Энг умидли ижрочи» мукофотиغا сазовор бўлди.

●Жиззах политехника институтида замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга таъбиқ этиш муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Унда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вилоят ва Жиззах шаҳар ҳокимликлари, «Ўзавтойўл», Ўзбекистон темир йўллари, «Ўзбекгенгилсааноат» давлат акциядорлик компаниялари мутахассислари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

●Қохирада яқунланган Ҳазо минтақасидаги вазирнинг барқарорлаштириш масаласига бағишланган учрашувда Миср ташқи ишлар вазири Аҳмад Абул-Ғайт Исроил ҳукуматини барча ҳарбий ҳаракатларига чек қўйишга, фаластинликларни Исроил ҳудудига ракета отишни тўхтатишга қачирди.

●Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр кеча Ливияга ташриф буюрди. Мамлакат раҳбари Муаммар Қаддафий билан музокаралар самарали кечди. Ташриф давомида Ливиянинг нефть-газ конларини ўзлаштириш юзасидан 670 миллион евролик битим имзоланди, ўз навбатида Ливия Буюк Британиядан ҳаво ҳужумига қарши мудофаа мақсадлари учун катта туркумдаги қурол-яроғларни сотиб оладиган бўлди.

●Кеча Францияда 10 июлга белгиланган биринчи тур парламент сайловлари олдидан сайловолди митинглари бўлиб ўтди.

●Сурия ички ишлар вазири Бассам Абулмажиднинг билдиришича, умумхалқ референдуми давомида сайловчиларнинг 97,52 фоизи Башар Асадни ёқлаб овоз бергани боис, амалдаги президент иккинчи мuddатта давлат раҳбари этиб сайланди.

●Кеча Ироқдаги молия вазирлиги биноларидан бирида кўрикчилик вазифасини ўтаётган 5 нафар англиялик фуқаро номаълум қуролли кишилар томонидан ўғирлаб кетилди. Жиноятчиларнинг Ироқ полициячилари кийимида бўлганлиги айтилмоқда. Буюк Британия ҳукумати гаровга олинганларни қутқариш юзасидан барча чора-тадбирларни амалга оширишни маълум қилди.

●Гамбург шаҳрида ўтказилиши кутилаётган «Катта саккизлик» давлатлари саммити арафасида глобализмга қарши қўчларнинг намоийси бўлиб ўтмоқда. Полиция тартибсизликларни бартараф этиш мақсадида 24 кишини қамоққа олди, яна 64 киши вақтинча ушлаб турилмоқда.

●Мамлакат маъмурияти вакилининг расман маълум қилишича, АКШ Дарфурда давом этаётган зиддиятлар туфайли Судан ҳукуматида қарши жиддий жазо чораларини кўламоқчи. Бундан ташқари Вашингтон БМТ Хавфсизлик Кенгашига ҳам ушбу масала юзасидан резолюция лойиҳасини тақдим этди.

●Халқаро футбол федерацияси—ФИФА Цюрихдаги ўзининг янги биносига кўчиб ўтди. Қурилиши 196 миллион долларга тушган янги бетакрор бинога ФИФА раҳбари Йозеф Блаттер юқори баҳо берди. ФИФА янги биносининг расмий очилиш маросими Халқаро федерациянинг 57 конгрессида бўлиб ўтади.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 31 май куни Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайд. Шарқдан секундузга 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16-18, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
 ФАРМОНИ
 Ю.САРКИСЯНИ «МЕҲНАТ
 ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ
 БИЛАН МУКОФОТЛАШ
 ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, футболни тарғиб қилиш йўлидаги жонқурлиги, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари, халқро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали футболчиларни тайёрлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ва кўп йиллик самарали фаолияти учун Фарғонанинг «Нефчи» футбол жамоаси бош устози Юрий Вазгенович Саркисян «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
 Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
 2007 йил 29 май

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
 ФАРМОНИ
 М.ҚОСИМОВНИ «МЕҲНАТ
 ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ
 БИЛАН МУКОФОТЛАШ
 ТЎҒРИСИДА**

Ўзбек футболининг шуҳратини жаҳонга танитиш, халқро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон Миллий ва Олимпия терма жамоалари катта устози Миржалол Қўшқович Қосимов «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
 Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
 2007 йил 29 май

**Кечка
 сатрларда**

● **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг маънавият ва маърифат марказида Республика давлат архиви, Меҳнат ва аҳолини ҳимоя қилиш вазирлиги, шахсий таркиб ҳужжатлари архиви ҳамда Тошкент Давлат маданият институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида фуқаролар музокаратлари ижросини сифатли ташкил этиш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● **БУГУН** «Янги Камолон» маҳалласидаги 567-мактабгача таълим муассасасида Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда 1 июнь—Халқро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Кувноқ стартлар» спорт мусобақалари ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент Давлат маданият институти ва халқро

«Олтин мерос» жамғармалари ҳамкорлигида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Бахшичиликни ёшлар оммасига янада кенгроқ ёйиш мақсадида ўтказилган ушбу анжуманда бахшичилик санъатининг бугунги ҳолати ва муаммолари, фольклор санъати ҳақида сўз борди.

● **РЕСПУБЛИКА** Болалар кутубхонасида 1 июнь—Халқро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган хайрия тадбири бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази ва «Меҳрон-спорт» жамоат хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда шахримиздаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг тақдирлари айтилди.


● **БУГУН** Бектемир туманидаги мактабгача таълим муассасаларида 1 июнь—Халқро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган ушбу тадбирларда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, ота-оналар ва маҳалла фаоллари иштирок этадилар.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

**ПОЙТАХТНИНГ
 БИР КУНИ**
 Янгиликлар, воқеалар



**КЕЧА «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»
 МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР
 КОМПАНИЯСИ МАРКАЗИЙ
 ПАВИЛЬОНИДА БИР НЕЧА
 ЙИЛДАН БУЁН ХАЙРЛИ
 АНЪАНАГА АЙЛаниб ҚОЛГАН
 «МЕБЕЛЬ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
 ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, ИНТЕРЬЕР
 ВА ДИЗАЙН» — «MEBELEXPO
 Uzbekistan — 2007» 4-ЎЗБЕК
 ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ЎЗ
 ИШINI БОШЛАДИ.**



Кўргазмалар

**МЕБЕЛСОЗЛИК ЮТУҚЛАРИ АКС
 ЭТМОҚДА**

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизга авваллари мебель маҳсулотлари четдан кўпроқ келтирилган бўлса, тадбиркорликка очилган кенг йўл боис бугунги кунда ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва рақобатбардош мебеллар 70-80 фоиз аҳоли талаб ва эҳтиёжини қондиримоқда. Мебель саноатида амалга оширилаётган ислохотлар шунда яққол сезилмоқдаки, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар Италия, Испания, Малайзия ва бошқа кўплаб давлатларнинг мебеллари билан бемалол рақобатлаша олади. Кейинги беш йил мобайнида замонавий линия ва дастоҳлар қувватидан унумли фойдаланиш, ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш натижасида мебель ишлаб чиқариш 2,5 бараварга ўсганлиги, турлари эса ортиб бораётганини айтиш лозим.

Мазкур кўргазмани ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимияти, «Файз» холдинги компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси расмий кўмагидан фойдаланилди. «Steinert Industries GmbH Co. KG» инвестиция саноат гуруҳи ушбу муҳим тадбирнинг бош ҳомийси саналади.

Кўргазмани очар экан, мамлакатимиз мебель саноатида ўз нуфузига эга бўлган «Файз» холдинги компанияси бош директори Мукаррам Азимовга маҳаллий мебель соҳаларнинг ютуқлари ҳақида гапириб, ушбу анъанавий тадбир ўзбек ва хорижий компаниялари мутахассис-мебельсозларига ўзаро тажри-

ба алмашишда, мебельсозлик соҳаси ривожидидаги янги гоя ва фикрлари билан ўртоқлашишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Кўргазмада 30 дан зиёд маҳаллий ва хорижий компания ва фирмалар иштирок этаётган бўлиб, улар республикамиз ва чет эллардаги мебель ишлаб чиқарувчилар, хом ашё ҳамда бутловчи қисмлар етказиб берувчилар, дизайнер ва товарларни сотувчилардир. Улар орасида Германия, Россия, Польша, Индонезия, Малайзия, Туркия, Ўзбекистон ва бошқа давлат вакиллари бор. Шу ўринда мазкур халқро кўргазманинг доимий иштирокчиларига айланган «Файз» холдинги компанияси, «Progress» уюшмаси, «Ориент Мебель», «TUS Viego» кўшма корхоналари, «Техноинвест-СТ» компанияси ва бошқа катнашчиларни таъкидлаган ҳолда тадбирда илк бор кўргазмаларини намойиш этаётган Россиянинг «Боярд», «Слотекс» акциядорлик компанияларини кўрсатиш лозим. Шунингдек, Малайзия мебельсозларининг ноёб мебель намуналари, Польша ва Индонезия элчихоналари миллий стандартлари кўргазмага ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Корхонамизда 192 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, республикада йирик ишлаб чиқарувчилардан саналамиз, — дейди «ORIENT MEBEL» кўшма корхонаси менежери Светлана Ким. — Юксак унумли хориж линия ва дастоҳлари билан жиҳозланган ишлаб чиқариш цехларимизда девор панеллари, хоналар учун эшиклар,

ошхона мебелларининг жаҳон андозлари даражасидаги турлари тайёрланади. Маҳсулотларимизнинг экологик тоза хом ашёлардан тайёрланаётгани харидорлар эътиборини тортмоқда. Учинчи бор катнашаётган мазкур халқро кўргазмада янги турдаги ошхона мебеллари туркумини намойиш этаёلمиз. Фойдали шартномалар тузишдан умидвормиз ва бу ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришимизда муҳим аҳамият касб этади.

Асосий мақсади мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб этишда ёрдамлашиш ҳамда юртимиз мебель бизнесидаги рақобатни ривожлантиришдан иборат бўлган ушбу кўргазма нафақат иштирокчилар учун, балки ташриф буюрувчилар учун ҳам қизиқарли ва фойдали эканлиги билан ажралиб туради. Буни кўргазмага келганларнинг диққат-эътибори, ўзаро фикр-мулоҳазаларидан ҳам сезиш мумкин. Албатта, «ITE Uzbekistan» компаниясининг баҳорги кўргазмалар марафонини яқунловчи ушбу тадбир ҳамкорлик алоқаларини муостаҳкамлашда, янги ва фойдали шартномалар имзолашда муҳим ўрин тутди. Шунинг баробарида мамлакатимиз мебель саноати салоҳиятини яна бир бор намойиш этган мазкур кўргазманинг мебельсозликнинг бундан кейинги ривожидидаги улуши ҳам беқийс бўлиши, шубҳасиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА
 СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтаётган
 кўргазма намойишидан
 лавҳалар.**

Наталья Семёнова олган суратлар

**1 июнь — Халқро болаларни ҳимоя қилиш кунини
 ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА**

**1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ
 ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ 1949 ЙИЛИ
 ХАЛҚАРО АЁЛЛАР ДЕМОКРАТИК
 ФЕДЕРАЦИЯСИННИНГ МАХСУС СЕССИЯСИДА
 ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН. МАЗКУР КУН
 БИРИНЧИ МАРТА 1950 ЙИЛДА БАЙРАМ
 СИФАТИДА НИШОНЛАНГАН.**

1989 йили эса «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция» қабул қилинади. Бу кунун ҳужжати 1990 йилдан кучга кириди.

Ўзбекистонда ҳам конвенция ратификация қилиниб, ҳар бир болага алоҳида эътибор берилди. «Она ва бола», «Соғлом авлод йили», «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаракат дастури» ва бошқа кунун ҳужжатлари болаларнинг ҳар томонлама ҳимоя қилиниши, уларнинг баркамол бўлиб вояга етишларига қаратил-

гандир. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлагандек, «Соғлом авлодни тарбиялаш барчаннинг, бутун жамиятнинг, шу юртда яшайдиган ҳар бир инсоннинг асосий иши, инсоний бурчидир».

«Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси ҳам баркамол авлод тарбияси, истеъдодли ёш авлодни кўллаб-қувватлаш, ота-она меҳридан бебахра болаларга меҳр кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Жамғарма 1 июнь — Халқро болаларни ҳимоя қилиш кунига бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Тошкент Давлат циркида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оила фарзандлари, ногирон, васийлик олинган болалар, ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари иштирок этган «Соғлом авлод юлдузлари» хайрия концерти ҳам жамғарма ташаббуси билан ташкил этилди.

(Давоми 4-бетда)



Жумладан буни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2005 йил 24 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги қонун бузилишлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармонлари мисолида кўриш мумкин.

Республикада фаолият кўрсатаётган электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнегрозорат» инспекцияси) назорат қилувчи органлардан бири бўлиб, электр энергияси, иссиқлик энергиясининг оқилона ва самарали ишлаб чиқарилиши, узатилиши, истеъмол қилиниши ва кўмирдан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи идора ҳисобланади.

«Ўздавэнегрозорат» инспекцияси ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектларида белгиланган тартибда ўтказилган текширувлар довомида аниқланган қонбузарликларни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича профилактик ва тушунтиришлар олиб бориш билан бирга Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 мартдаги 124-сонли қарори билан тасдиқланган

«Ўқилги-энергетика ресурслари-дан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисида»ги низомига асосан чора кўрилади.

«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими» такомиллаштирилганлиги

3622-сонли Фармонларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукумати»нинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш

Республикада бу борада олиб борилаётган ишлар бўйича тадбиркорлик субъектлари ёки энергетика ресурсларидан фойдаланувчи истеъмолчилар «Кўп бўлса кетади, кам бўлса етади» деган ҳулосага келишлари ва шу асосда фаолият кўрса-

раб турибди. Бунга мисол қилиб Яққасарой туманида жойлашган «Ташинжстрой» ОАЖ корхонасини кўрсатиш мумкин. Корхонанинг фойдаланган электр энергиясидан қарзи бўлганлиги учун «ТошЭТК» ОАЖ томонидан тармоқдан узиб қўйилган, лекин «Ташинжстрой» ОАЖ томонидан электр ускуналарни ўзбошимчалик билан қайта электр тармоқларига улаб олиб ишлатилаётганлиги аниқланди.

Бундан ташқари Юнусобод туманидаги хусусий тадбиркор Худойбергенов қурилиш майдончасидаги баъзи бир электр ускуналарини электр ҳисоблагичдан ташқари улаб қўйилганлиги ҳам текширув жараёнида маълум бўлди.

Ҳулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, ёқилги-энергетика ресурсларидан, хусусан электр ва иссиқлик энергиясидан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланишда тадбиркорлик субъектлари амалдаги қонун-қоидаларга риоя қилсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Наъмулла НИФМАТҲУЛАЕВ,
«Ўздавэнегрозорат» инспекциясининг катта инспектори,
Дониёр АББАСОВ,
«Ўздавэнегрозорат» инспекцияси инспектори

Қарор ва ижро

КўП БўЛСА КЕТАДИ, КАМ БўЛСА ЕТАДИ

ҲОЗИРГИ КўНГА КЕЛИБ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА, УНИНГ МАВКЕИНИ ЮКСАЛТИРИШДА, ЖАҲОН БОЗОРИДА ЎЗ ўРНИНИ ТОПИШИДА ҲАМДА УНИ МУСТАҚАМЛАШДА ўЗИНИНГ СЕЗИЛАРИ ҲИССАСИНИ ҚўШАётган ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚўВАТЛАШ БОРАСИДА ВА УЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА йўНАЛТИРИЛГАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ВА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАТОР ҚАРОРЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҲАМДА АМАЛДА БўЛГАН ҚАРОРЛАРГА ўЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚўШИМЧАЛАР КИРИТИЛГАН.

ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли ҳамда 2005 йил 24 июндаги ПФ-

тўғрисида»ги қарори билан маъмур низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Низомнинг айрим бандларида «баравари миқдорда» сўзлари тегишли равишда «фоиз миқдорда» сўзлари билан алмаштирилди. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари нисбатан кўриладиган қоралар анча енгиллаштирилди.

тишлари нафақат ўзларига фойда олиб келади, балки улар энергия таъминоти ташкилотларининг айрим муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашган бўларди.

Давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига яратилаётган қулайликларга қарама-қарши, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан айрим ноҳуш ҳолатларга йўл қўйилиши ҳам уч-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАЧ, МАМЛАКАТДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАСИГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛА БОШЛАНДИ. ЖУМЛАДАН, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАМЛАКАТИМИЗ ҚОНУНЛАРИДА, АЙНИКВА АСОСИЙ ҚОМУСИМИЗ—КОНСТИТУЦИЯМИЗДА ТўЛА АКС ЭТДИ.

Уттан давр мобайнида Конституцияимизнинг ҳаётий негизи нечоғлик мустаҳкам эканлиги ўз тасдиғини топди. Конституциявий қоидалар фуқароларимизнинг қўндалик ҳаётида тобора тўлароқ намён бўлмоқда. Чунки, Асосий Қомусимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳраб қўйилган.

Юртбошимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишлаб ўтказилган йилгилишда сузлаган нутқларида Асосий Қонунимизда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун қўйилганлигини, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қад-

Мусулмон мамлакатлари, айниқса, ўзбек давлатчилиги тарихида омбудсман (мухтасиб) қўнчалар катта иқтидор ва лаёқат эгаси бўлиб, таъзирий жазолар, яъни адаб бериш — тарбиялаш учун бериладиган жазоларни татбиқ этиш ваколатига эга бўлган. Масалан, Хожа Низомул-мулк «Сийёсатнома»да ёзишича, Газна шаҳри мухтасиби Султоннинг амирлардан бирини шарият қонунига қарши иш қилгани учун жазолаган. Султон буни оддий қонуний иш деб билган ва амирнинг шикоятини эшитмаган.

Тўпلامда шунингдек, 20 дан ортик мамлакатларнинг, жумладан Озарбойжон, Бельгия, Болгария, Венгрия, Буюк Британия, Дания, Испания, Литва, Польша, Португалия, Нидерландия, Чехия, Словакия, Словения, Швеция, Эстония, АҚШ, Канада, Мексика, Аргентина ва Австралия давлатларининг омбудсманлари фаолиятлари ҳақида сўз юрйтилади.

Мазкур тўплам мавзулари жиҳатидан бир-бирини тўлдирувчи саккиз бобдан иборат бўлиб, унинг биринчи боби таъкидлаб ўтганимиздек, омбудсман институтининг тарихи ва ўтмишини очиб берса, иккинчи боби омбудсман институтининг ҳуқуқий асосларига

Янги нашрлар
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ—ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

рият сифатида муҳраб қўйилганлигини, айнан ана шу талабни нафақат қонунларимиз ва ҳуқуқий меъёрларимизда белгиллаб бериш, балки бу устувор принципни ҳаётиимизга татбиқ қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини, бунинг учун барча фуқароларимиз ўз ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаб олиши ва сиёсий савиясини ошириши лозимлигини, айниқса, ўшбу конституцион тамойилга биринчи галда мансаб ва амалий вазифаларда ўтирилган, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўзининг қўндалик фаолиятида оғишмай риоя қилиши зарурлигини, мазкур масалани бугунги кундаги энг долзарб масала сифатида ўртага қўйсақ, ҳар томонлама тўри бўлишини айтиб ўтилар. Шу ўринда давлат қурилиши ва унинг тараққиёти, жамиятимизнинг демократик янгилишини, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан боғлиқ бўлган, қисқача айтганда, олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда «Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун» деган терефан маъноли фикрни асло унутмаслигимиз кераклигини ҳам таъкидлаб ўтилар.

бағишланган. Мазкур мавзуларда Болгария, Польша, Нидерландия, АҚШ, Аргентина, Австралия, Ўзбекистон давлатларининг таниқли олимлари ҳамда амалиётчиларининг мақолалари чоп этилган.

Учинчи боб асосан «эски демократия» давлатлари, яъни Англия, Дания, Испания, Голландия, Португалия, Бельгия, Мексика омбудсманларининг фаолиятлари бағишланган бўлса, тўртинчи бобда «янги демократия» давлатлари, жумладан Озарбойжон, Венгрия, Литва, Чехия, Словакия давлатларининг омбудсманлари фаолиятлари ҳақида сўз юрйтилади.

Тўпламнинг бешинчи боби омбудсман институтининг давлат органлари: парламент, суд тизими, ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги масалаларига бағишланган.

Навбатдаги олтинчи бобда БМТ қосида яқинда ташкил этилган омбудсманнинг фаолияти кирралари очиб берилса, мазкур институтнинг бирлашган Европадаги ривожланиши ҳақида Европа Иттифоқи омбудсмани П.Никифорос Диамандоросининг фикр-мулоҳазалари баён қилинган мақолалар чоп этилган.

Тўпламда Швеция ва Литва давлатларида фаолият юритаётган болалар ҳуқуқлари бўйича омбудсманлар, жаҳондаги турмалар бўйича омбудсманлар, университетлар бўйича омбудсманлар, шунингдек, ҳарбий хизматчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи омбудсманларнинг халқаро тажрибалари ҳақида батафсил ёритилган еттинчи боб ҳақида алоҳида тўхталыш мумкин.

Ва ниҳоят, сўнги саккизинчи боб омбудсман институти фаолиятининг ўзбекча модели Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтининг фаолиятига бағишланган. Унда вакилликнинг ташкил этилиши, унинг ривожланиши бошқичлари, ишлаб кетиши, минтақавий вакилликлар фаолиятлари, судлар ҳамда бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари, чет эллик ҳамкасблар билан ҳамкорлик муносабатларига доир мақолалар чоп этилган.

Тўпламнинг иловасидан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳақида»ги янги қонун, чет эл омбудсманлари, жумладан, Озарбойжон, Латвия, Польша, Словакия, Швеция, Россия давлатларининг омбудсманлари билан тузилган ҳамкорлик шартномалари матралари жой олган.

Мазкур тўплам давлат органлари, судлар, ҳуқуқ-тартибот органлари, ноҳукумат, нотижорат ташкилотлар ходимлари, шунингдек, олий ўқув юрталари ўқитувчилари, аспирантлари, талабалари ҳамда инсон ҳуқуқлари масалаларига, жумладан, омбудсман институти фаолиятига қизиқувчи барча инсонларга мўлжаллаб нашр этилган ва уларнинг қўндалик иш фаолиятларида доимо асқотади, деган умиддамиз.

Шоиноят ШОАБДУРАХИМОВ,
Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг Тошкент шаҳар минтақавий вакили

Солиқ тизими

ҚОНУНБУЗАРЛИККА ЙўЛ ЙўК

АЗАЛ-АЗАЛДАН СОЛИҚ ТУШУМИ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ СУЯНЧИ, ТАЯНЧИ БўЛИБ КЕЛГАН. ШУ БОИСДАН БУГУНГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ҲАМ ўРНИ КАТТАДИР. ЧУНКИ ТАЪЛИМ СОҲАСИ, БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ, СТИПЕНДИЯ, ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАР ТўЛОВЛАРИ АЙНАН ШУ ТИЗИМ ОРҚАЛИ ТАЪМИНЛАНАДИ. ДЕМАККИ, МУЛК ШАКЛИДАН ҚАТБИ НАЗАР, ҚОРХОНА, ТАШКИЛОТЛАР ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚЛАРНИНГ ТўЛОВИНИ НЕЧОҒЛИК ўЗ ВАҚТИДА АМАЛГА ОШИРИШСА, ЮҚОРИДА САНАБ ўТИЛГАН йўНАЛИШЛАРДА ҲАМ ҲЕЧ ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ЮЗАГА КЕЛМАЙДИ.

Бундан кўриниб турибдики, ўшбу соҳада меҳнат қилаётганлар зиммасига ҳам ниҳоятда катта маъсулият юклаган. Чилонзор туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам бунинг чуқур ҳис қилишгани ҳолда зиммаларига юклатилган вазифаларни бекаму қўст амалга оширишга ҳаракат қилишмоқда. Жумладан, мазкур соҳа ходимлари томонидан шу йилнинг дастлабки чораги учун белгиланган режа кўрсаткичлари 15,5 миллиард сўм ўрнига 18,5 миллиард сўм қилиб бажарилганлиги билан эътиборлидир. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 3 миллиард сўмга кўпдир. Нақд пул тушумларини ҳам 38935,2 миллион сўм ўрнига 39087,6 миллион сўмга ёки 100,4 фоизга бажаришга эришилди.


— Албатта, йилнинг дастлабки даврини бундай муваффақиятли янгиликларимиз ўз-ўзидан бўлгани йўк, — дейди юридик шахсларда бюджет тўловларини назорат ва таҳлил қилиш шўъбаси бошлиғи Алишер Турдиматов. — Бунинг учун доимий равишда банк ва солиқ департаменти ходимлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Мана шу ишларнинг самараси натижасида 643 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ва 11 та жиноят аломатлари таркиби аниқланиб, улар бўйича жами 654 та ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тегишли ташкилотларга юборилди. Аниқланган мазкур ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан 132 нафар мансабдор шахсга 5,7 миллион сўмлик маъмурий жарима чоралари қўлланилди. Шунингдек, 53 нафар жисмоний шахсга нисбатан 2,5 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди. Худудимизда фаолият кўрсатаётган савдо ва умумий оватқилиш корхоналарида 114 та қиска муддатли текширувлар ўтказилиб, 56 та назорат-касса машинасидан фойдаланмаслик ёки қвтанция бермаслик ҳолатлари учради. Шунингдек, 11 та ҳолатда нақд пул тушумини яшириш ва банкка топширмаслик, 16 та ҳолатда қирим ҳужжатлари бўлмаган махсулотлар билан савдо юритиш ва 154 та тегишли ҳужжатларсиз савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шугулланиш ҳолатлари аниқланди.

Бундан ташқари, туман худудиданоқонуний равишда ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланиб, даромад топаётган шахслар ва яширини цехларни аниқлаш борасида ҳам самарали натижаларга эришилди. Хусусан, 9 та яширини цех, 11 та ҳолатда лицензиясиз спиртли ичимликлар савдоси билан шугулланиш, 7 та ҳолатда ноқонуний равишда тамаки махсулотлари билан савдо қилиш каби қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Ўтказилган мана шу назорат тадбирлари довомида юқоридаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича 21,4 миллион сўмлик молиявий жарима қўлланилди.

Хисобот йилининг дастлабки чорагида ҳўжалик субъектларининг бандаги хисоб рақамлари орқали пул маблағларининг ҳаракати кузатиладиган, — деб сўзида давом этади шўъба бошлиғи Алишер Турдиматов, инспекцияга тақдим этилган ҳис-

ботларда кўрсатилганидан 100,2 миллион сўмлик яширини ҳаракатдаги фарқлини аниқланди. Бу ҳолат 4 та корхона фаолиятида кузатилиб, мазкур қонунбузарликлар бўйича тўплаган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди. Худудимиздаги иккита корхона бўйича ўтказилган ҳужжатли текширувларда эса 9,4 миллион сўм қўшимча тўловлар ҳисобланди.

Ўтган ҳисобот чорагида солиқ инспек-



цияси ходимлари томонидан 1895 та хронометраж ва мониторинг тадбирлари ўтказилиши натижасида нақд пул тушуми аввалги тушумларга нисбатан 114,3 миллион сўмга ошганлиги кузатилди. Бундан ташқари, ўтказилган назорат тадбирларида 150 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди, ҳеч қандай ҳужжатсиз, сифат сертификатсиз ва қирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган умумий қиймати 74 миллион сўмлик товар моддий бойликлар вақтинча олинди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 майдаги 221 ва 1998 йил 4 сентябрдаги 378 - сонли қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган назорат тадбирларида ноқонуний савдо қилаётган фуқаролардан ва қирим ҳужжатларсиз махсулотлар савдоси билан шугулланаётган ҳўжалик субъектларидан умумий қиймати 734,2 минг сўмлик 6050 қўти тамаки махсулотлари, салкам 230 минг сўмлик 227 шиша спиртли ичимликлар олиб қўйилди. Худудда ўтказилган назорат тадбирлари довомида эса тегишли ҳужжатларсиз тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган шахслардан 35,3 миллион сўмлик бошқа махсулотлар мусодара қилинди. Автолицензиясиз фаолият юритаётган 39 нафар фуқарога 74 минг сўмлик молиявий жарима қўлланилди.

—Албатта, бизнинг вазифамиз ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиб келаётган шахсларга тегишли чоралар қўришига эмас, — дейди инспекция раҳбари Акмал Каттабеков, — балки, уларнинг олдини олишдан ҳам иборат. Шунинг учун ҳам маҳалаларда бу борада кўплаб тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Аммо шунга қарама-қарши фуқароларимиз бундай қонунбузарликларга қўл уришадиганликлари кишини ташвишлантиради. Мухтасар қилиб айтганда, фуқароларимизга маслаҳатимиз шуки, тадбиркорлик фаолияти учун тегишли ҳужжатларни олинг. Марҳамат, шугулланаверинг. Бу сизнинг оилангизга ҳам давлат бюджетига ҳам, қўшган хиссангиз бўлади.

(Ўз муҳбиримиз)
СУРАТДА: Чилонзор туман Давлат солиқ инспекцияси фаолиятдан лавҳа.

Иқтисодиёт

МАҲОРАТЛАРИ НАМОЁН БўЛМОҚДА

ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КўРСАТАётган ЎЗБЕКИСТОН КўЗИ ОЖИЗЛАР ЖАМИЯТИГА ҚАРАШЛИ «TIKUV-SIVO-FAYS» ўқув ишлаб чиқариш корхонасида БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ТАЙЁРЛАНАётган МАҲСУЛОТЛАР ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИНГ МАҲОРАТИДАН НИШОНАДИР.

Ушбу корхонада 28 та кўзи ожиз фуқаро иш билан таъминланган бўлиб, улар асосан буюртмалар асосида тўшақ, кўрпа ва ёстиқлар тайёрлашади.

—Махсулотларимизни асосан маҳаллий хом ашёдан тайёрлаймиз, — дейди корхона раҳбари Шароф Рўзиев. — Касалхоналар, олий ўқув юрталарининг ётоқхоналари, мудофаа вазирлиги сингари асосий буюртмачиларимиз бўлиб, буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли адо этиб келаямиз. Шуниси эътиборлики, ишчи-хизматчиларимиз кўриш имкониятига эга бўлмасда, ҳар бир махсулот сифатини таъминлашда дилдан ҳис этиб меҳнат қилишади. Уларнинг меҳнатлари ва маҳоратлари бажарган ишларида яққол акс этиб туради.

Корхона мутасаддиларининг таъкидлашларича, келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, махсулот турларини ҳам кўпайтириш кўзда тутилган. Натижада қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилади. Айни кунларда корхонада замонавий тикув машиналари қувватидан ва сифатли маҳаллий хом ашёлардан самарали фойдаланган ҳолда кўрпа ва ёстиқ жилдлари ҳам тикилмоқда.

Хунармандчилик

ЖИЛВАКОР БЕЗАКЛАР

ХУНАРМАНДЧИЛИК йўНАЛИШЛАРИ ОРАСИДА ЗАРГАРЛИКНИНГ ўЗИГА ХОС ўРНИ БўЛИБ, қўЛИ ГУЛ ЗАРГАРЛАРИНГ МАҲОРАТУ МАШАҚАТИ ЭВАЗИГА ЯРАТИЛГАН БЕБАҲО БЕЗАКЛАР АЁЛЛАРИМИЗГА ГўЗАЛЛИК БИЛАН БИРГАЛИКДА ЯХШИ КАЙФИЯТ БАҒИШЛАЙДИ.

Заргар уста Носим Юсупов ҳам ана шундай қўли гул усталар сирасига кириб, 1980 йилдан буюн заргарлик буюмлари ясаб билан шугулланади. У асаган юзлаб безак буюмлари—узугу зирак, биллакузук ва занжирлар кўриниши билан харидорларни жалб этади. Ҳар бир заргарлик буюмини яратар экан, уст хунарманд миллий ҳадияларимиз ва шарқона урф-одатларимизни эъзозлашга интилади, хотин-қизларимизнинг дид ва талабини мукаммал ўрғанади.

—Утган йиллар давомида жуда кўплаб шогирдлар ҳам тайёрлашга муваффақ бўлдим, — дейди Носим Юсупов. — Ҳозирда уларнинг ишларидан қувониб кетаман, изла-нишларини рағбатлантириб бораман, тарихимизни ўрғанишга, ота-боболаримиз меросини қадрлашга даъват этаман. Энг муҳими эса уларнинг бугунги кун талабини келиб чиққан ҳолда безаклар яратишда миллийлигимизни ҳам уйғунлаштириб бориши мени мамнун қилади.

Уста ўз махсулотларини яратишда бронза, мелхиор сингари хом ашёлардан фойдаланади. Энг асосийси эса хорижлик сайёҳлар ҳам ушбу буюмларга харидор бўлишадигандир. Ҳозирда заргар янги махсулот турларини яратиш йўлида меҳнат қилмоқда. Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус—2007» кўрик-танловининг Миробод туман босқичида унинг намоиши «Энг яхши экспозиция» деб баҳоланди.

Шарофат БАХРОМОВА

Тиббиёт

КЕРАКЛИ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

АҲОЛИ СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ йўлиДА МАМЛАКАТИМИЗДА КЕНГ КўЛАМЛИ ДАВОЛАШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Республика Шошилиқ тиббий ёрдам маркази хизмати орқали ҳам беморлар ўз дардларига малҳам топмоқдалар. Бу нуфузли даргоҳнинг ташкил этилганига беш йилдан ошди. 760 ўринга мўлжалланган мазкур даргоҳда муолажалар олиб бориш учун барча қулайликлар мўҳайб қилинган. Унинг таркибига республика санитария авиацияси ва Тошкентдаги «03» хизмати ҳам қиради. Ундан ортик илмий бўлим ҳам ташкил қилинган бўлиб, улар таркибиде 36 та клиник бўлима фаолият кўрсатмоқда. Шошилиқ жарроҳлик, акушер-гинекология, кардиология каби бўлинмалар кўплаб беморларни қабул қилмоқда.

Республика Шошилиқ тиббий ёрдам маркази фаолияти тўғрисида ҳужжатли фильм суратга олинди.

НОЁБ ҚўЛЛАНМА

КўЗИ ОЖИЗЛАР УЧУН АЖОИБ ҚўРИЛМА ИХТИРО ҚИЛИНДИ. РЕСПУБЛИКА ОНКОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ ОФТАЛЬМОЛОГИЯ КАФЕДРАСИДА ЯРАТИЛГАН БУ АППАРАТ ЁРДАМИДА ОЖИЗ КўЗЛАРГА ТАШХИС ҚўЙИШ, ДАВОЛАШ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ МУМКИН.

Бу янги тиббий техника экспертизаси эса Ўзбекистон Фанлар академиясининг Электроника институтида ўтказилди ва ажобий баҳоланди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан руҳшат берилган мазкур қурилма кўзи ожиз болалар республика мактаб-интернатда ҳам тажриба синови-тида амалий қўнқима ҳосил қилди.

ҲАМШИРАЛАР—ТАНЛОВ ФОЛИБИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ йўлиДА КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ САНАТОРИЙЛАРДА ҲАМ МУҲИМ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Ҳамширларнинг касб маҳоратларини ошириш мақсадида уюштирилган республика кўрик-танлови ҳам қўрилган натижаларни берди.

Бу билим, тажриба ва маҳорат кўригиде Тошкентдаги «Турон» санаторийи ҳамширалари голиб деб топилди. Шунингдек, санаторийнинг бир гуруҳ ҳамшираси Тошкент шаҳар шифокорлар малякасани ошириш институтида амалий қўнқима ҳосил қилди.

Акбар АЛИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Даволаш ва профилактика бош бошқармасининг бошлиги ўринбосари вазифасида фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида неврология хизматини ривожлантириш» мавзуси бўйича докторлик иши устида ҳам изланишлар олиб борапти.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Даволаш ва профилактика бош бошқармасининг бошлиги ўринбосари вазифасида фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида неврология хизматини ривожлантириш» мавзуси бўйича докторлик иши устида ҳам изланишлар олиб борапти.

Васила Алимова тиббиёт фанлари номзоди, айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Даволаш ва профилактика бош бошқармасининг бошлиги ўринбосари вазифасида фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида неврология хизматини ривожлантириш» мавзуси бўйича докторлик иши устида ҳам изланишлар олиб борапти.

— Мен, меҳнат фаолиятим давомида нимаки изланишлар олиб бораётган бўлсам, буни халқимизнинг саломатлиги йўлида қилинаётган беминнат хизматим деб ўйлайман, — дейди тиббиёт фанлари номзоди Васила Алимова биз билан суҳбатда. — Киши қачонки соғу саломат бўлсагина соғлом фикрлай олади, ҳаёт эса унинг кўзларига янада нуррафшон ва жозибали кўринади. Шунинг учун ҳам доноларимиз «Соғлиқ — энг катта бойлик» деб бежиз айтишмаган. Мен шифокор кўзлари билан эмас, аёл сифатида ҳам дунёни англагим, билгим келади. Аёл ҳар қандай шароитда ҳам жамиятнинг фаол аъзоси, фарзандларининг меҳрибон онаси, оиланинг сариштали, фариштасифат бекаси сифатида иш юрита олиши лозим ва албатта ҳам жисмонан, ҳам ақдан ва маънан соғлом бўлиши керак. Соғлом онадан соғлом фарзандлар дунёга келади, яшаб турган жамиятимизда ҳам соғлом муҳит пайдо бўлади. Бунинг учун эса аёлларимиз соғлом ва бардам бўлишларини ҳар томонлама таъминлаш олишимиз зарур. Мен ўз касбим билан фахрланаман. Кимнингдир оғирини енгил қилаймани, дардига даво излашда нафим тегаётгани, уларга озгина бўлсада қувонч улашяймани, демак мен бахтлиман. Ҳаётимизда умр йўлларим чиққиларини яхшилик ва эзгулик билан чамбарчас боглиқ ҳолда кўргим келади.

Заҳматли, аммо шарафли касбим йўлида доимо изланаверман. Дарҳақиқат, одамзот яшар экан, ҳамимиз

Замондошларимиз

ИНТИЛГАНГА ОМАД ЁР



Тошкент Давлат тиббиёт институтини ташкил қилган ва унинг давомида шифокор невропатолог бўлиб беморлар дардини аритиш йўлида астойдил хизмат қилди. Ва айнан уша ерда кафедра мудири тавсияси билан «Инсонларда бош миёна кон айланганининг ишемик турида безилуш сабаблари, уни қандай қилиб тез фурсатда бартараф этиш ва даволаш» мавзусида илмий изланувчи сифатида иш бошлайди ва изланишлари самараси ижобий баҳолашни тиббиёт фанлари номзоди унвонига сазовор бўлди.

ЭНГ БУЮК ИХТИРОЛАР, КАШФИЁТЛАР, ФАНДАГИ ЯНГИЛИКЛАР, ЭЗГУЛИК ВА ЯХШИЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ҲАР ҚАНДАЙ ИЗЛАНИШЛАР МУСТАҲҚАМ БИЛИМ, МАШАҚАТЛИ МЕХНАТ, САБОТ ВА ИРОДА ТАЛАБ ҚИЛАДИ. СИЗГА ТАНИШТИРМОҚЧИ БЎЛГАН ЗАМОНДОШИМИЗ ЭСА, ҲАЛИ ЁШ БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИ ЙЎЛИДА АНЧАГИНА САМАРАЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛМОҚДА.

институтини) даволаш факультетида ўқишни давом эттиради. Узининг намунали тарбияси, фаоллиги ва билимдонлиги билан институтини муваффақиятли битириб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарашли биринчи клиникада интернатурасини ўтади. 1998 йил илк фаолиятини 2-

Тошкент Давлат тиббиёт институтини ташкил қилган ва унинг давомида шифокор невропатолог бўлиб беморлар дардини аритиш йўлида астойдил хизмат қилди. Ва айнан уша ерда кафедра мудири тавсияси билан «Инсонларда бош миёна кон айланганининг ишемик турида безилуш сабаблари, уни қандай қилиб тез фурсатда бартараф этиш ва даволаш» мавзусида илмий изланувчи сифатида иш бошлайди ва изланишлари самараси ижобий баҳолашни тиббиёт фанлари номзоди унвонига сазовор бўлди.

тида иш бошлайди ва изланишлари самараси ижобий баҳолашни тиббиёт фанлари номзоди унвонига сазовор бўлди.

Эш иқтидорли шифокор Васила Алимова 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Даволаш профилактика бош бошқармасининг наркологи бўлимига ишга тақлиф қилинди. Икки йил давомида мазкур бўлимда, сўнг Бош бошқарманинг биринчи тоифали мутахассиси сифатида ишлади. Узининг илм, фанга фидойилиги, тиниб-тинчимаслиги, инсонлар манфаатини биринчи ўринга қўйиб иш юритиши боис ҳам, у 2004 йилда мазкур вазирлигининг Даволаш профилактика Бош бошқармасининг бошлиги ўринбосари лавозимига тайинланди. Шу йиллар давомида у иш юзасидан жуда кўп қўлаб чет мамлакатларда сафарларда бўлди. Польша, Бельгия, Норвегия, Финляндия, Голландия, Беларусь, Россия каби мамлакатларда ўтказилган турли мавзудаги илмий анжуманларда, симпозиумларда иштирок этиб, ўз малакасини ошириш, билим доирасини янада кенгайтириш имкониятига эга бўлди.

Эндигина 32 бахорни қаршилаган, қарашлари самимий, аёлларга хос бўлган барча хислатларни ўзида мужассамлаштириб олган мақоламиз қахрамони Васила Алимова айни кунларда юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, «Республикада неврология хизматини ривожлантириш» мавзуси бўйича докторлик илмий иши устида иш олиб бормоқда. — Аёл киши агар истаса ҳар доим ҳамма ишга улгуради, — дейди у камтарлик билан.

Ҳа, Васила замонамизнинг заҳматкаш, фидойи, фаол аёллари сирасига қиради. Ҳам нуфузли лавозимда фаолият юритиб, илмий иш билан ҳам шуғулланиб, шу билан бирга шириндан-шаккар икки нафар фарзандларини тарбиялаётган бу аёлга рости, чин дилдан ҳавасимиз келди.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: тиббиёт фанлари номзоди Васила Алимова иш устида.

ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАЁТИНИНГ МАЗМУНИ

УСТОЗЛАР ИНСОНИЯТ ОНГУ ШУУРИГА МАЪРИФАТ НУРЛАРИНИ СИНГДИРУВЧИ, ТАФАККУРИНИ БОЙИТУВЧИ, ОНА ТИЛИНИ ҚАЛБИГА ЖО АЙЛАГУВЧИ МЎЪТАБАБ ВА МУКАРРАМ ЗОТЛАРИД. ҲАММИМИЗ КЎТЛУҒ ОСТАНА БЎЛГАН МУҚАДДАС ДАРГОҲ ҲИСОБЛАНМИШ МАКТАБДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ОЛИБ УЛҒАЙГАНМИЗ. МЕХР БИЛАН БОШИМИЗНИ СИЛАБ, БАРРИГА ОЛГАН МЕХРИБОН, ҚАДРДОН ЎҚИТУВЧИЛАРДАН САБОҚ ОЛГАНМИЗ. УЛАРНИНГ ЗАҲМАТЛИ МЕХНАТЛАРИ, БЕРГАН БИЛИМЛАРИ, ЎГИТ ВА НАСИҲАТЛАРИ ҲАР БИРИМИЗНИНГ ЁДИМИЗДА БИР УМР ЎЧМАС ИЗ, ШИРИН ХОТИРАЛАР ҚОЛДИРГАН АЛБАТТА. «УСТОЗ ОТАНГДЕК УЛУҒ» ДЕГАН НАҚЛ ХАЛҚИМИЗДА БЕЖИЗГА АЙТИЛМАЙДИ.



Дарҳақиқат, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, таълим-тарбия бериш ва маърифатли инсонлар бўлиб вояга етишларида ўқитувчи-устозларнинг ҳиссалари бекуёндир. Миробод туманидаги 328-мактабда йигирма йилдан буён болаларни илм-маърифат нурларидан баҳраманд қилиб келаётган Дилдора Игамбердиевани ўқувчилари доимо ҳурмат билан тилга олишади. Негаки Дилдора ўқувчиларнинг биология фанига қизиқишларини ошириш, табиқатга, ўсимликлар оламига меҳр қўйишлари учун ҳар бир дарсни қизиқари машғулотлар билан бошлайди, ёшларнинг диққат-эътиборини, дарсга иштиёқларини оширишга ҳаракат қилади. Шу боис унинг ўқувчилари шаҳар ва туман бўйича ўтказилган фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларга сазовор бўлишган. Жумладан, «Она табиқатни асрайлик» мавзусида ўтказилган тадбирда ҳам ўқувчилар биология фанидан олган билимларини намойн этиб муносиб баҳо олишган. Маълумки, шахримиз мактабларида апрель-май ойларида биология фани ойлиги ўтказилган эди. Мазкур ойликда Дилдора Игамбердиева ўзининг дарс ўқиш бўйича маҳорати, ўткир билими ва малакасини намойн этиб, муносиб ўринни эгаллади.

— Мактаб, ўқувчиларим менин Ҳаётим мазмуни, улларсиз ўтган кунимда маъно йўқдек туюлади, — дейди Дилдора Игамбердиева. — Ўқувчиларимни гўё ўзимнинг дилбандларим дейман. Уларнинг билими, комил инсонлар бўлиб вояга етишларини истайман. Ҳаётимизда ўз йўлларини топиб, етук мутахассис

бўлиб етишишлари учун қўлимдан келганча билим, керакли маслаҳатлар беришга ҳаракат қиламан. Эеро, ёшлар — бизнинг келажғимиз. Улардан умидимиз катта.

Айни кунда қадрдон мактаб, меҳрибон устозлари бағрдан мустақил ҳаётга учирма бўлаётган битирувчилар учун бу мўътабар даргоҳдан, ўқитувчиларидан ажраллиш қийин, албатта. Дилдоранинг битирувчи ўқувчилари ҳам устозлари панду насихатлари, таълим-тарбиясини қалбларига жо қилиб, келажакда ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишишга ваъда бериб, устозларига миннатдорлик туйғуларини билдиришмоқда.

Дилорон ИКРОМОВА СУРАТДА: Дилдора Игамбердиева дарс жараёнида.

АТИРГУЛЛАР ИЛК БОР ҚАЧОН ВА ҚАЕРДА ПАЙДО БЎЛГАННИ БИЛАСИМИ? БИРИНЧИ АТИРГУЛ ТАХМИНАН 5000 ЙИЛ АВАЛ ОСИЁДА ЎСТИРИЛГАН. ЛЕКИН ТАБИИЙ АТИРГУЛЛАР УЛАР ПАЙДО БЎЛИШИДАН ҲАМ ОЛДИН, ЯЪНИ 35 МИЛЛИОН ЙИЛ ИЛГАРИ ПАЙДО БЎЛГАН ЭКАН.

Гўзаллик тимсоли

АТИРГУЛ ВА АЁЛ

Ёшиларича Рим халқининг атиргул ҳақидаги ўз ривояти бор. Қадимда жуда кўп қўлаб йигитлар Руденте исми гўзал бир қизни севиб қоладилар ва унга уйланишни истайдилар. Лекин ҳеч қим унинг кўнглига йўл топа олмади. Қиз барча ошкларининг дил изҳорларини бирдай рад этиб келади. Улар қиздан тайинли бир жавоб ололмайдилар ва ҳаждлари чиқиб, унинг уйига келиб эшигини бузишади.

Маъбуда Диананинг бу воқеадан қаттиқ жасди чикади. Жазо тариқасида қизни гулга, унинг шайдоларини эса тиканларга айлантириб қўяди. Гўзаллик маъбудаси Афродита эса унга янада кўпроқ чирой қўшади. Маъбуда Дионис унга энг хушбўй хидларни тўхфа этади.

Келиб чиқишидан қатъи назар атиргул доимо гўзаллик ва муҳаббат рамзи бўлиб келган. Унинг хушбўй хидлари эса барчамизга бирдай манзур. Нима бўлганда ҳам атиргулларни аёлларга қиёслашди. Чунки бу гул жуда нозик, хушбўй ифори, тароватли ва беҳад гўзал бўлиб, нафислиги билан ажралиб туради.

Ойдин ИБРАГИМОВА

БУГУН НЕГАДИР ДИЛИНГИЗ ЖУДАЯМ ҒАШ. КЎНГЛИНГИЗГА ҲЕЧ НАРСА СИҒМАЯПТИ. АКСИГА ОЛИБ БОШИНГИЗ ҲАМ ЁРИЛАЙ ДЕБ ОҒРИМОҚДА. ГЎЁ УСТИНГИЗГА ТОҒ АҒДАРИЛАЁТГАНДАЙ ҲЕЧ НАРСА ЁҚМАЯПТИ. ЮРАК ЭСА СОКИНЛИКНИ ИСТАЙДИ. ЮРАГИНГИЗ НИМАНИ ХОҲЛАЁТГАНИНИ ҲАМ БИЛМАЙСИЗ, АНГЛОЛМАЙСИЗ. ХЎШ НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

ДОИМО КАЙФИЯТИНГИЗНИ КЎТАРИНГ

Азиз аёллар, аввало чуқур нафас олинг. Қаддингизни тикланг, кичкинагина бўлса ҳам кўзга қараб сочларингизни тузатиб олинг. Бир зум кўзингизни юминг-да, ўйланг: Ойлангиз тинч, фарзандларингизнинг соғлиғи жойида, ақилларингиз сиздан ҳурсанд, рўзгорингиз бут, асосийси — етти мунангиз соғ ва омон, бундан ортиқ бахт бормикан. Ишонадаги кўнглисизликлар бу шунчаки оддий ҳол, оилангиздаги нохушлик эса ҳаёт қонуни, турмуш ўртоғингизнинг хархашаси, эркалининг кўтаришига эса хоҳлавишимиз, йўқми мажбурийсиз. Бошингизнинг оғриши эса триклигингиздан далолат, шундай экан ўзингизни ўнглаб олинг. Ҳар қандай вазиятда ҳам кайфиятигизни кўтаринг. Ҳаётингизнинг ўзингиз ардоқланг, авайланг ва асранг. Бу айтишга осон дейсизми, биламан, баъзан шу кенг дунёга сиймақ қоламиз, ҳатто ўзимизни қимасиздай ҳис қиламиз, ўқинамиз, йилғаймиз ҳам. Аммо бу билан ҳеч нарсга ўзгармайди, кимдир келиб мушкулчилигини омон қилиб ҳам қўймайди. Биз инсонлар табиқатнинг энг олий мақоли, юқори табақали вақиллари эканми, демак ҳар нарсасга қодиримиз, сабрлигимиз ва қучлигимиз.

Гули ЧЕХРА

Туманларда ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2004 ЙИЛ 25 МАЙДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОННИНГ ИЖРОСINI ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН БУГУНГИ КУНДА ШАҲРИМИЗ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ФАОЛЛИГА СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ОШИБ БОРМОҚДА. АЙНИҚСА МАҲАЛЛАЛАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ФИКРИМИЗНИНГ ЯҚҚОЛ ТИМСОЛИДИР.

— Маҳалла ҳар биримиз учун бирдек муқаддас ва азиздир, — дейди Учтепа туманидаги «Оқмачит» маҳалласининг диний, маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Наргиза Шамсиева. — Унда яшаётган ҳар бир инсон ўз олам, укам ва фарзандларим каби азиздир. Яшашимизнинг асл маъно-маъниси ҳам, оиламизнинг роҳат-фароғати ҳам маҳалла билан бутундир. Бугунги кунда маҳалламизда ўтказилаётган ҳар қандай долзарб мавзудаги тадбирлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари замирида, маҳалла тинчлиги, ободлиги, ёшларимизнинг изланишлари, кексаларимизга бўлган ҳурмат ва эътибор, Ватанимиз раванга йўлидаги ҳар қандай юксалишга бўлган интилишлар камраб олинган. 2020 нафар аҳоли истиқомат қилаётган

масканимизда маҳалла оқсоқоли Сайдулла Ибрагимов ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Турғуноя Аҳмедова доимо барча ишларга бош-қош бўлиб туришади. Уларнинг меҳнатлари, маҳалла аҳли учун қилаётган саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовордир. Айниқса болалар спортига алоҳида эътибор қаратиб борамиз, чунки ёшларимиз саломатлигини муҳофазалаш, асраш, уларни етук, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Наргиза Шамсиева мана уч йилдирки «Оқмачит» маҳалласида диний, маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимда ишлаб келмоқда. У дастлаб, боғчада тарбиячи, сўнгра эса, 10-турғуноҳонада ҳамшира ва доя вазифаларида



ишлади. — Мен ҳеч қачон ўқишдан ва изланишдан чарчаманман, — дея таъкидлаб ўтди опа ўз сўзида. Бугунги кунда Наргиза Шамсиева фарзандларининг меҳрибон онаси, неварасининг севимили бундан маҳалладаги хотин-қизларнинг сирдоши, яқин маслаҳатчиси бўлиб елиб-юғриб хизмат қилиб келмоқда.

«Оқмачит» маҳалласида турли хил оилавий жанжаллар, жиноятлар деярли содир бўлмайди. Ажраллилар сони ҳам жуда кам. Балоғатга етган ёшлар билан доимий равишда мутахассислар ёрдамида давра суҳбатлари ўтказилиб турилади. «Маҳалла — нурилик масканим», «Ёшлар камолоти йўлида», «Жаннат оналар оёғи остидадир», «Соғлим-бойлигим», «Қизлар миллат эртаси», «Спорт билан ҳаммада», «Болаларим — пошхолим» каби

ўтказилган тадбирлар ҳам маҳалла фаровонлиги ва раванга йўлида амалга оширилган ишларнинг бир қисмидир.

Дарҳақиқат, қачонки, маҳалларимиз обод ва ораста бўлса унда истиқомат қилаётган фуқаролар тинч ва осуда ҳаёт кечирсалар, юртимизда тинчлик, ишчимизда унум, оиламизда хотиржамлик, рўзгоримизда эса кут-баракат бўлади ва фарзандларимиз бахтли ҳаёт кечирадилар. Маҳаллада яшаётган аҳолининг бир-бирига ҳурмат ва эҳтиром билан қараш эса аввало шу маҳалланинг кексаларига, феолига боғлиқ. Аёлларимизнинг фидойилиги, жонкуярлиги сабаб ҳам маҳаллар янада гуллаб-яшнамоқда.

Гулчехра САТТОР қизи СУРАТДА: Наргиза Шамсиева маҳалла болалари билан.

Сўраш, жавоб берамиз

МЕХНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ҚАНДАЙ?

Кейинги вақтларда одамлар ўртасида ишхонангиз билан «меҳнат шартномаси тузганими?» — деган гаплар эшитилиб қолмоқда. Айтинчи, меҳнат шартномасини тузиш мажбурийми, унинг қандай енгиллик томонлари бор? Шу тўғрида мутахассис маслаҳатини берсангиз.

К.Олимов, Миробод тумани. **Ушбу саволга Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходими Шоҳруҳ Ниязов жавоб беради:**

— Одамлар ўртасида мол-мулк муносабати пайдо бўлиб-дики, қадимдан ўзаро ўзига хос меҳнат шартномалари тузилганлиги тарихий манбалардан бизга маълум. Ушбу даврлардан бошлаб бу муносабат шаклланиб бугунги кунда қонуний ифодасини топти. Ҳар бир фуқаро касби-корига қараб ихтиёрий равишда меҳнат муносабатларига киришиб, иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқига эга. Бунга эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳам билмас бўлади.

Ҳўш, меҳнат шартномасининг ўзи нима, у ким томонидан ва қанча муддатга тузилади ҳамда қандай афзалликлари бор?

Меҳнат шартномаси — меҳнат ҳуқуқининг негизи бўлиб, меҳнатта оид муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиди. Ҳуқуқий муносабатларнинг моделини белгилаб, имзолангандан кейин қўлга киради. Ходим ва иш берувчининг меҳнат муносабатларини мустақамлайдиган юридик акт ҳисобланади.

Яъни, меҳнат кодексининг 72-моддасига биноан, меҳнат шартномаси — ходим билан иш берувчи ўртасида икки меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда, тарафлар ҳақ эвазига шартларни бажариш ҳақидаги келишувидир.

Меҳнат шартномаси фақат ўзи шаклда тузилади ва тарафлар келишуви билан қўйидаги бандлар билан белгиланади.

Иш жойи, ходимнинг меҳнат вазифаси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ишининг бошланиш кўни, меҳнат шартномасининг тузилган ва амал қилиш муддати, меҳнат ҳақи, миқдори, тарафларнинг манзиллари ва бошқалар.

Меҳнат шартномаси бўйича ишга қабул қилиш 16 ёшдан бошланади. 15 ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин. Муддатли меҳнат шартномалари эса бажарилажак ишнинг ҳусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда тузилиши мумкин.

Меҳнат шартномаси қачон бекор қилинади ва нима асосида?

Меҳнат шартномаси қўйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:

- 1) тарафларнинг келишувига кўра;
- 2) тарафлардан бирининг ташаббуси билан;
- 3) муддатнинг тугаши билан;
- 4) тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;
- 5) меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра ва бошқа ҳолатларда;

Юртимизда қонун устуворлиги таъминланган экан, фуқароларнинг меҳнатта бўлган муносабатларида ҳеч қандай муаммолар пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.

МЕРОС КИМГА ТЕГИШЛИ?

Менин турмуш ўртоғим бир неча йил аввал вафот этди. Биз яшайдиган уйимиз менга ва турмуш ўртоғимга тегишли эди. Никоҳимиздан икки фарзандимиз бор. Яқинда қайнларим келиб «ақасининг уйида уларнинг ҳам ҳаққи борлигини, уйни сотиб ҳамма ўз тегишини олиш» лозимлигини айтиб кетишди. Улар ўзларини «биз ҳам меросхўримиз» дейишмоқда. Кимлар меросхўрлар ҳисобланади? Мен кимга мурожаат қилишим керак?

К.Шорустамова, Шайхонтоҳур тумани.

Ушбу саволга Тошкент шаҳар, Яқкасаро туманидаги 1-давлат нотариал идорасининг катта нотариуси ўринбосари Тоҳир Қайюмов жавоб беради:

— Утган йили шундай воқеа содир бўлган эди. Аёл турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг, тақдир тақозоси билан беш яшар қизчасини етаклаганча бошқа оила бекасига айланган. Орадан бироз вақт ўтган, марҳум эри билан бирга яшаган уйни сотишга келган, бундан хабардор бўлган қайнуқалар билан янга ўртасида уй-жой мулкига эгаллик қилиш мижозоси бошланган. Бу муаммо охири-оқибат судга бориб тақалган. Аёлнинг марҳум эридан қонуний фарзанди борлиги эътиборга олинди, уйни аёлга тегишли деб суд қарор чиқарган. Бу қарордан қайнлар норози бўлганлар ва катта мижозо келиб чиққан. Бу албатта қонуларимизни яхши билмаслик оқибатида юз берган.

Маълумки, меросга доир муносабатлар жуда олис ўтмишдан одамлар ўртасида жиддий тортишувлар ва келишмовчиликлар туғилишига сабаб бўлиб келаятган муаммолардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 5-бўлимидаги бир қатор моддалар ана шу масалага ойдинлик киритишга хизмат қилади. Одамлар ўртасида мерос шакли турли тартибда тузилган бўлади.

Мисол тариқасида келтирадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1118-моддасида қайд этилишича, меросхўрлар мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик тутилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шакллар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.


Васиятнома ёки қонун бўйича эрга (хотинга) тегишли ворислик ҳуқуқи унинг мерос қолдирувчиси билан никоҳдаги ҳолатига боғлиқ бошқа мулк ҳуқуқларига, шу жумладан никоҳда бўлиб, биргаликда ортирчилган мол-мулкнинг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига даҳл қилмайди.

Агар мерос қолдирувчи билан тузилган никоҳ мерос олгунга қадар амалда бекор бўлган бўлса ва мерос олгунга қадар қамиди деб йил бойида янга эр ва хотин алоҳида-алоҳида яшаганликларига исботланса, суднинг қарори билан эр (хотин) қонун бўйича ворисликдан четлаштирилиши мумкин, ушбу кодекснинг 1142-моддаси асосида мерос олиш бундан мустасно деб 1143-моддасида белгиланган.

Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи қонуларимиз мавзуд экан, одамлар ўртасида тўғилмаган келишмовчилик ва низолар ўз интиҳосини топиши мумкин.

Ҳурматли ҳамшайхлар! Сизлар ҳар бир соҳа бўйича ўзингизни қизқитириш саволлар билан бизга мурожаат этишингиз, кўнгирик қилиб ёки таҳририятимизга ташириб буориб малакали мутахассис, ҳуқуқшунос, нотариуслардан жавоблар олишингиз мумкин. Мақтуб ёзинг, кўнгирик қилинг, ташириб буоринг.

Бизнинг манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Тошкент оқшоми» газетаси. Телефон: 133-29-09.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ХИКМАТЛАР

- Хар не хушлик дил ила ҳосил эмиш.
Ул кўнгилмик, молу давлат истаюр,
Лойқа сив, балчиққа буткул банда ул.
Пирлик ул сочу соқолнинг оқимас,
Ул ақл бирлан келур инсонга, бас.
Келса гар танглик, кушойиш ҳам келар.
Хар кишининг кўнгли пок эрса, ҳалол,
Бас, дуоси юксалур то Зулжалол.
Касб деган мисли зироат, ўйлаким,
Экмагунча мулкинг эрмасдир экин.

Хар на экдинг, бил муқаррар, мулкинг ул,
Экмайин олсанг, бу бедодлик бўлур.

Хору хас ҳам сенга ҳайф, эй зормана,
Тўрга ўтмоқни тилайдирсен яна.

Ўйлаким, нафсига тутқун бандалар,
Телбариб, мазлумга душманлик қилар.

Эйки, зулм этдинг бировга эрта-кеч,
Кимлигин билдик, нажот йўқ сенга ҳеч.

Қон кўнгилда ухламайдир ҳеч маҳал,
Айлағайдир бир қуни мушкулни ҳал.

Киймати ҳамён магар олтинда ул,
Ул қуруқ бўлса, баҳоси икки пул.

Хар замонга айру сўз ҳамдам бўлур,
Лек салафлар айтгани марҳам бўлур.

Юз тили бор, юз тилида юз лугат,
Ҳийлаю макрига йўқ сонун сифат.

Эзгуликка ақлу хуш толиб эрур,
Нафси зулмат унга чун голиб эрур?

Хар киши ўз жинсига ҳамдам бўлур,
Кушни авраб, сайрагай сайёд ўзи,
Тўрга тушгай кўр бўлиб қушнинг кўзи.

Аслу сохта не эмиш — билмас ғавий,
Бокма унга, ул агарчи маънавий.

Жонки, жононга нисор эрмас экан,
Ул яримдир, бир эмас, минг бўлса ҳам.

Ёш бола тўплар ушоқ, синган сопол,
Устида титрайди мисли рабби мол.

Бул раво, ул нораво дерсан, аё,
Лек ўзинг кимсан: равому нораво?

Хар матоҳ нархини илғайдир кўзинг,
Кийматингни билмасанг, нодон ўзинг.

...ўз аслингни билганинг яхшидир.

Гар ақл бўлса ақлга ошно,
Дам-бадам ортгай магар мехру вафо.
Нафс агар нафс бирла эш, ҳамдам бўлур,
Ўртада мехру вафо кам-кам бўлур.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Танловлар

КИТОБИМ — МЕНИНГ ОҒТОБИМ

КИТОБЛАР ИНСОНЛАР МАЪНАВИЯТИНИ, МАДАНИЯТИНИ, ОНГ ВА ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШДА АСОСИЙ МАНБА БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. УНИ МУТОЛАА ҚИЛГАНМИЗДА КЎНГЛИМИЗДАН ЮКОРИДАГИ ФИКРЛАР ҲАҚИДА...

Кун кеча Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида ўтказилган «Энг яхши китобхон» республика кўрик-танловининг якуний босқичида бўлганимизда кўнглимиздан юкоридаги фикрлар ўтди.

Танловда Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан жами 14 нафар иштирокчилар қатнашдилар.

Бу йилги «Энг яхши китобхон» республика кўрик-танлови, — дейди Республика Ахборот-ресурс маркази кутубхона марказининг бош кутубхоначиси Зухра Бердиева, — республикамизнинг 200 та туманида ўтказилди ва уларда вилоятлар, туманлар ва қишлоқ жойлардаги ахборот-ресурс марказларининг 10.000 дан ортиқ китобхонлари иштирок этдилар.

Кўрик-танловнинг иккинчи босқичида эса, республикамизнинг 500 нафардан ортиқ болалари ва ўсмирлари қатнашдилар. Учинчи босқич кўриб турганимиздек Тошкент шаҳрида ўтказилмоқда.

Танловга нафақат кутубхонага доимий келадиган ва кўп ўқийдиган болалар, балки ўз ахборот-ресурс марказининг оммавий дастурларида, кўрик-танловлари, висториналари ва ижодий лойиҳаларида фаол иштирок этадиган ёшлар, вилоят ва туман кўрик-танловларининг голиблари тақлиф этилган.

Уйлайманки, танловда иштирок этётган бизнинг ёш китобхонларимизнинг барчаси иқтидорли, истеъдодли ва зеҳни ўткирдир. Уларнинг барчасига кейинги ўқиш ва ишларида омадлар тилаб қоламиз. Китоб уларнинг ҳаётида муҳим босқич саналишини ва доимо китобларга ошно бўлиб яшашларини истаймиз.

Саломлашув, танишув, асарлардан парчалар, қизилкарли саволлар, эркин мавзу каби бешта шартдан

иборат бўлган мазкур кўрик-танловда Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов туманидаги 249-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ансор Яшинов ва Самарқанд вилоятидан Дилфуза Навбатова Гран прини, Қашқадарё вилоятидан 8-синф ўқувчиси олий совринни ва Жиззах, Хоразм, Навоий, Фарғона, Наманган вилоятлари ўқувчилари биринчи ўринни эгаллаб голиб бўлдилар.

Ҳалиқаро совғалар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика Ахборот-ресурс маркази, А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти, Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонаси томонидан тақдим этилди.

Ҳалиқаро совғалар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика Ахборот-ресурс маркази, А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти, Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонаси томонидан тақдим этилди.

Ҳалиқаро совғалар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика Ахборот-ресурс маркази, А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти, Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонаси томонидан тақдим этилди.

Ҳалиқаро совғалар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика Ахборот-ресурс маркази, А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти, Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонаси томонидан тақдим этилди.

Сабрина ЗОКИРОВА, талаба

СУРАТЛАРДА: «Энг яхши китобхон» республика кўрик-танловидан давралар.



ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу хайрия акциясида эстрадада юлдузлари билан бирга «Севинч», «Феруз», «Марварид», «Тумор» болалар гуруҳлари, «АНЕН», «Сезам» болалар шоу эстрада гуруҳларининг шўх-шодон кўшиқлари ва Арт бюро «Қолибри» ёш дизайнерлар мактаби аъзоларининг чиқишлари болаларга бир олам қувонч бағишлади.

Уларнинг кўзларидаги қувончни кўрган хар бир инсон беихтиёр ўзи ҳам қувонади. «Соғлом авлод юлдузлари» хайрия концертига таширф буорган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари болаларни чин дилдан қутлашди.

Шунингдек, жамғарма Ташқи иқтисодий алоқалар инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамоатчилиги жамғармаси билан ҳамкорликда «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари учун «Тошкент-Ленд» болалар истироҳат боғида хайрия тadbирини ўтказди.

кент шаҳридаги 21, 22, 23, 24, 30, 31-сонли Меҳрибонлик уйлари, Жиззах вилоятидаги 29-сонли Меҳрибонлик уйи, Тошкент вилоятидаги 14-15-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, 33-199-сонли ёрдамчи мактаблар, 6-сонли умумтаълим мактаб ўқувчилари ва ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларидан иборат жами 1200 та бола иштирок этди.

Хар йили анъанавий тарзда 1 июнь — «Халқаро болаларни химоя қилиш кунини» бағишлаб ўтказиладиган тadbирлардан бири «Ер кўррасида тинчлик» расмлар кўрик-танловидир. Республикадаги мактаб ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида ўтказиладиган ушбу танлов Ўзбекистон Бадий Академияси, Халқ таълими вазирлиги, «Болалар» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилади.

Танлов икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич 2007 йилнинг апрель-май ойларида ўтказилган эди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари ўқув

чилари иштирок этди. Мазкур танловнинг голиблари 1 июнь кунини аниқланади. Расмларнинг танлови таниқли, профессионал расмлардан ташкил топган хайрат аъзолари томонидан баҳоланади.

Танлов 3 категория бўйича ўтказилди: 3 ёшдан 6 ёшгача, 7 ёшдан 11 ёшгача, 12 ёшдан 15 ёшгача. Мазкур танловда, иштирокчилар ўзларининг ижод намуналарини билан юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги ҳақидаги тушунчалари ва тасаввурларини баён қилишди.

Танлов болаларининг санъат ва маданиятга бўлган қизиқишларини янада ошириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни тасвирий санъатга ва бадий ижодга бўлган қизиқиш ва эътиборини мустаҳкамлашга қаратилган.

«Туркистон-пресс»

Спорт янгиликлари

Кураш

ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ОКТЯБРЬ ОЙИДА МЎЎУЛИСТОН ПОЙТАХТИ УЛАН-БАТОР ШАҲРИДА КУРАШ БЎЙИЧА VI ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Кураш заминининг энг кучли полковлари иштирок этадиган ушбу нуфузли турнирга Мўғулистонда тайёргарлик ишлари алақачон бошлаб юборилди. Бунга яқинда Халқаро кураш ассоциациясининг Тошкентдаги қароргоҳига Мўғулистон кураш федерациясидан келган мактуб яқоқл тасдиқлайди.

Юқори савияда ўтишини таъминлаш мақсадида ҳозирлик ишлари алақачон бошланган. Ташкилотчилар томонидан мусобақа ўтадиган спорт мажмуаларини беэази давом этмоқда, махсус совға ва кийимлар тайёрланмоқда. Шуниси эътиборлики, бу борада Хитойнинг нуфузли фирма ва компаниялари билан шартномалар имзоланган.

Бокс

ИШОНЧЛИ ҒАЛАБА

МОСКВА ШАҲРИДА ПРОФЕССИОНАЛ БОКС БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН НАВБАТДАГИ БЕЛЛАШУВ ҲАМЎРТИМИЗ АЛИШЕР РАҲИМОВГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Профессионал боксда омадини синаб кўраётган Алишер Раҳимовга бу сафар россиялик тажрибали боксчи Юрий Романович рўбарў келди. Қизиги шундаки, мутахассислару мукхлислар томонидан россиялик чарм кўлқоп устасининг ғалабасига катта ишонч билдириляётган ушбу жанг учинчи раундда Алишернинг ажойиб ғалабаси билан якунланди.

Яна бир ўзбекистонлик боксчи Бехзод Набиев эса армянистонлик Армен Саркисянга қарши рингга кўтарилиб мурасасиз жангда рақибига очколар ҳисобиди имкониятни бой бериб қўйди.

Дилшод НАЗАРОВ

Шахмат

ҲАМШАҲРИМИЗ — КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

ШАҲРИМИЗДА ШАХМАТ БЎЙИЧА АЁЛЛАР ЎРТАСИДА МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГА ВАКИЛЛАРИ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ.

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган иқтидорли шахматчилар беллашуви қизиқарли кечди.

Ўзбекистон чемпионатида пухта тайёргарлик кўрган самарқандлик Ирода Ҳамроқулова 8 очко жамғарган ҳолда Ўзбекистон чемпионлигини кўлга киритган бўлса, ҳамшаҳримиз Ольга Собировага — иккинчи, фарғоналик Нафиса Мўминовага — учинчи ўрин насиб этди.

Чемпионат якунида голиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари топширилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Катра

ТИРМАШСАК ҲАМ МАЙЛИ

Тоғ бағрида мазза қилиб дам олдик. Уйга қайтиш олдида ўғлим: —Дулана ваъда қилувдиз-ку,—деб қолди. Арчазордан наридаги дулаларча томон тирмашамиз.

Бир кун тоғ табиати бағридан бир тул ёш дулана ниҳолини олиб келиб ҳовлига ўтказдим. «Ўзимиздан чиққанига не етсин. Қачонгача тоққа тирмашамиз. Ниҳолга меҳримини қўйиб, бирам парваршиш қилдимки...»

Тўғлиқ ошнамга телефон қилиб, сабабини сўрадим. —Тинч, осонгина ўсадингиз ўровли жойинг ёқмайди унга. Жала, бўрон, дахшатли яшин, момақалдиқлар билан олишиб ўсадингиз дарархту у. Шундан-да шохлари чайир. Барглари кўм-кўк. Мевалари дондор. Есанг, мазза қилсан.

—Узр, адашибман,—дедим ошнамга,—тоққа тирмашиб қийналасак ҳам, ўша тоғ табиатининг ширин дуланасидан қўямасин!

Ғани АБДУЛЛА



Сўзасиз сураб Абдурашул Ҳакимов чизган расм

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 406

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoshқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2884 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига еки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6
Топширилган вақти: 13:00